

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилятларини шакллантиришнинг концептуал, ижтимоий, ҳуқуқий асослари илмий-амалий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, маънавий - ахлоқий фазилятларни тарбиялаш асосида миллий қадриятларга содиқлик, соғлом дунёқараш асослари одоб - ахлоқ нормалари асосида шакллантириб борилса, унда болалар маънавий - ахлоқий фазилятларини таркиб топтириш осон ва самарали кечиши назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описываются концептуальные, социальные, правовые основы формирования духовно-нравственных качеств учащихся начальных классов в детских оздоровительных лагерях с научной и практической точки зрения. Также теоретически проиллюстрировано, что формирование духовно-нравственных качеств детей является легким и эффективным, если в основе воспитания духовно-нравственных качеств лежит принцип приверженности национальным ценностям, здорового мировоззрения и нравственных норм.

SUMMARY

The article describes the conceptual, social, legal basis for the formation of spiritual and moral qualities of primary school students in children's health camps from a scientific and practical point of view. It is also theoretically illustrated that the formation of spiritual and moral qualities of children is easy and effective, if the basis of the upbringing of spiritual and moral qualities is formed on the basis of adherence to national values, a healthy worldview and moral norms.

НЕМИС ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОНА ТИЛИНИНГ ТАЪСИРИ

Г.Б.Есбергенова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: она тили, нутқ, таълим, мазмун, психологик ва педагогик тайёргарлик, услуб.

Ключевые слова: родной язык, речь, обучение, содержание, психологическая и педагогическая подготовленность, метод.

Key words: mother tongue, speech, education, content, psychological and pedagogical training, method.

Чет тилини ўрганишга бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Республикамизда жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувга йўналтирилган тизим яратиш мақсадида мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПК-1875-сонли қарори тасдиқланди ва ёшларимизнинг тилга бўлган эътиборини янаам кучайтирди.

Бу ўз навбатида ўқитувчидан ўзига хос ижодкорлик, малака ва тажрибани тақозо этмоқда.

Ҳозирги даврда мактабларда хорижий тилни ўқувчиларга ўргатишдан мақсад уларнинг шу тилда сўзлаш, ёзиш, тинглаб ва ўқиб тушуниш каби кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда болаларнинг тафаккури, мулоқот маданияти, билим олишга қизиқиши, фаоллик, муваққиллик, меҳнатсеварлик, қизиқувчанликни уйғотишга қаратилади. Болаларнинг ақлий ва нутқий қобилиятини муваффақиятли устириш келгусида фанларни пухта ўзлаштиришга имкониятлар яради.

Дарҳақиқат ҳар бир соҳа вакиллари чет тилини мукаммал эгаллаши унинг иш фаолиятида ва шахсий ҳаётида ҳам катта ютуқларга эришади. Она тилидан бошқа тилни ўрганиш ўша халқнинг маданияти, санъати, фан, техника ютуқлари сиёсий иқтисодий маънавий ва маърифий жиҳатларини ўрганиш инсоннинг фикрлаш доирасининг унинг дунёқарашининг ортишига ёрдам беради.

Ҳозирда халқаро алоқаларда кенг фойдаланилаётган бир неча хорижий тиллар мавжуд. Шунингдек, ҳозирги даврда хорижий тиллар ичида немис тилига бўлган қизиқиш нафақат мактаб, балким олий таълим муассасаларининг барчасида, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳам кучайиб бормоқда.

Қисқа муддатда немис тилида мулоқотга ўргатиш, мулоқот қила олиш малака ва кўникмаларини ўстириш чет тили ўқитиш методикасининг долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда. Халқаро алоқалар, бизнесга оид масалалар тиббий ёрдам ишлаб чиқаришнинг бир неча соҳаларида айнан немис тили муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги бир неча ўн йилликлар давомида биз тиллар аро ҳодисалардаги ўхшашлик ва ноўхшашликлар, чет тилини ўрганишда она тилининг тутган ўрни, шунингдек, шу усул ёки бошқа соҳадаги эволюция процесслари туғрисидаги саволларга тез-тез дуч келамиз. Бундай мезон тилларни қиёслаш генетик тамондан уларни умумийлаштириш учун хизмат қилади.

Тиллар илгари ҳам бир-бирига қиёслаб ўрганилган,

аммо бу таққослашда уларнинг фақат тарихий қардошлик тамонигагина эътибор берилган, кўпинча қардош тиллар бир-бирларига қиёслаб ўрганилган. Шунинг билан бирга ўтган асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб фақат келиб чиқиши тамонидан яқин қардош тиллар эмас, балки турли гуруҳларга мансуб тилларни қиёсий типологик тарзда ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам авж олди. Турли гуруҳларга мансуб тилларни қиёсий ўрганишнинг аҳамияти туғрисида академик Л.В.Шерба: “Қиёслашлар асосидаги бир тилининг иккинчи тил билан таққосланиши ҳар хил тиллардаги бир хил фикрнинг ҳар қил қилиб ифодаланиши ўзи бошқа бир тилда тафаккур юритадиган инсонни ўзига жалб қилади, қизиқтиради”- деб айтган эди. Тилшуносликнинг барча соҳаси қиёсий методга суянади ва шу асосда ўрганилади. Аксарият ҳолларда мутахассислар қиёсий методни тил ўрганиш ва тил материялларини тадқиқ қилиш учун универсал усул деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, олимнинг бу фикри исбот талаб қилмайдиган аниқ далил эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Немис ва қорақалпоқ тиллари орасида айтарлиқдай муштараклик бўлмаса ҳам, уларни қиёсий ўрганиш, юқорида айтиб ўтилганидек ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Шунга қарамадан мазкур тиллар устида қиёсий типологик тадқиқотлар жуда кам.

Немис тилини ўқитиш ўқувчиларнинг она тилининг фонологик, морфологик, синтактик ва лексик тизимининг илмий ўрганилишини ҳамда асосий типологик хусусиятларини очиқ беришини тақозо қилади, шунинг учун ҳам ўрганилаётган немис тилининг, она тили билан таққослаб ўрганилиши, уларнинг айрим тил бирликларини типологик таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Кўпгина кузатувлар ва тажрибалар шуни курсатадики, ўқувчиларнинг она тилидан олган билим ва кўникмалари немис тилини ўргатишда икки хил таъсир кўрсатади: 1) агар ҳар икки тилнинг баъзи фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари ўхшаш бўлса, немис тилининг шу ўхшаш хусусиятларини ўқувчилар тез ва осон ўрганиб оладилар; 2) агар ҳар икки тилнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари ўхшаш бўлмаса, баъзи ҳолларда бу ўқувчиларнинг умумий хатоликларга йўл қуйишларига олиб келади. Шунинг учун ҳам немис тили ўқитувчиси ўрганилаётган тил ҳамда она тилининг фонетикасини яхши билиши керак. Ана шундагина у немис тилини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг аксарияти йўл қуядиган хатоликларнинг олдини олишга ва хатоларни бартараф қилишга тез орада муваффақ бўлиши мумкин.

Фонетика нутқ фаолиятининг барча томонларини-

гапириш, эшитиш, ёзиш, ўқиш ва талаффуз қилишни камраб олади. Шу сабабли чет тилини ўрганиш аввало унинг нутқ товушлари, бўғин, урғу ва интонация каби фонетик жиҳатларини яхши ўзлаштиришдан ва уни она тили билан таққослаб ўрганишдан бошланади.

Чет тили дарсларида энг аввало нутқ ўргатилади. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчи нутқи, мустақил фикрлай олиши, ўз фикрини хорижий тилда бемалол ифода эта олиши, ёзма иш, суҳбат, ҳикоя, мустақил фикрга таяниши каби шаклларига эътибор бериши лозим. Чет тили дарсида ўқувчи тайёрлов ва нутқ машқларини бажариш билан банд бўлади. Шундай экан юқоридаги компетенцияларни амалга оширишда алоҳида сўз бойлиги ва уларнинг қўлланилиши катта аҳамиятга эга, бунда тил маданияти, нутқ одобига эътиборли бўлиш талаб этилади. Тил маданияти адабий тил меъёрларини пухта эгаллаш ва улардан нутқда тўлиқ фойдаланиш демакдир.

Тил - алоқа қуроли, тил-ҳаёт кўзгуси, тил - маънавият белгиси бўлиши билан бир қаторда ўқитувчи учун энг муҳим методик восита сифатида хизмат қилади. Инсон ақлий фаолиятининг энг олий маҳсуллари тил ва нутқ орқали юзага чиқади.

Нутқ - ҳаракатдаги тил. Нутқ тил бирликларини уз аро мантикий боғлаб, уларни ҳаракатга келтириши, нутқ-сўз, сўз бирикмаси ва гаплардан иборат бўлиб, инсоннинг маънавияти ва маърифатини белгиловчи асосий мезон эканлигини биламиз.

Шундай экан, кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби - айтилиши лозим бўлган хабарларни тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос ҳолда тилнинг адабий меъёридаги ифодалар билан бирга ўқитувчи фаолиятидаги актив сўзлар қаторида турмоғи лозим. Бу каби жараёнлар ўқитувчининг ёзма ва оғзаки нутқида кўринади.

Чет тили дарсининг асосий хусусияти унинг амалий, яъни нутқий йўналганлигидир. Мамлакатимизда ўқитувчи фаолияти, унинг касбий нуфузини ошириш кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги энг устувор вазифалардан бири эканлиги боис соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтириш узлуксиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидойилигига, унинг ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига намоён бўладиган нутқ фаолиятида ўз аксини топади.

Маълумки жамиятда яшаётган ҳар бир шахс алоҳида нутқ эгаси саналади. Ўқитувчи ҳам бундан мустасно эмас. Лекин хорижий тилларни ўргатишда уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган нутқий қурол-бу тили ўрганилаётган жамиятнинг ягона тили ҳисобланади.

Немис тили нутқ фаолиятида тил маданияти қоидаларини мукамал билган ҳолда, айниқса, бадий адабиётларини, газета ва журналларни ўқиши, радио ва телевиденини кузатиб бориши, умуман оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари орқали ҳамда тинимсиз мустахкам ўз устида шуғулланиши натижасида нутқий малакага эга бўлади ва нутқ маданияти шаклланади. Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан табиийки, нутқда сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилиши тўғрисида ҳам баҳс боради. Қўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри дейилганда албатта, маълум бир ўлчовга асосланиш тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилишини биламиз. Адабий тил маданиятини чуқур эгаллаган инсондагина касбий нутқ маданияти

шаклланади. Адабий тил ва унинг меъёрларини шунчаки қизиқиш ёки у билан номигагина шуғулланиш орқали эгаллаб бўлмайди. Ўқитувчи адабий тилда гапириши ёки дарс жараёнини олиб бориши билан бирга тингловчига сўзларни танлашида уларнинг тилни қай даражада тушинишига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, тозаллиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги ва мақсадга мувофиқлиги энг муҳим талаблардандир. Нутқнинг тўғрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Чунки нутқ тўғри бўлмаса, унинг бошқа коммуникатив сифатларига ҳам путур етади. Нутқ тўғри бўлиши учун, асосан икки меъёрга: урғу ва грамматик меъёрга қатъи амал қилиш талаб этилади.

Масалан немис тилида унлиларнинг чўзиқ, ёки қисқа айтилиши қоралок тилидаги сўзларнинг маъносини ўзгартириб юборади. Масалан:

Staat (Мамлекет) — Stadt (шаҳар)

Miete (ижара) — Mitte (ўрта)

Ofen (печка) — often (очиқ)

Сўзда ҳарфлар тартибининг ўзгартирилиши ёки бирор товушнинг хато талаффуз этилиши сўзнинг лексик маъносини, грамматик шаклини ўзгартириб юбориши мумкин [1].

Ўқитувчи оғзаки нутқнинг бу икки муҳим компоненти унинг нотиклик маҳоратини белгиловчи бош мезонлар даражасига кўтарилиши табиийдир. Нутқнинг аниқлиги унинг алоқавий сифатларидан бири бўлиб, у объектив борлик билан нутқ мазмунининг мослиги сифатида юзага чиқади. Аниқ нутқ яратишда сўзловчидан қуйидагиларга қатъий риоя қилиш талаб этилади:

а) тилнинг синонимик имкониятларини пухта билиш ва синонимик қаторлардан кераклигини ажратиб, нутқда қўллаш;

б) нутқда ишлатиладиган сўзнинг англатган маъноларини ҳар томонлама билиш;

в) сўзнинг қўп маънолигига жиддий эътибор бериш, қўп маъноли сўз нутқда қўлланганда унинг қайси маъно кирраси кўзда тутилаётганлигини аниқ тасаввур қилиш фикрнинг юзага чиқишида бу сўзнинг бошқа маъно кирраларига монелик қилиш-қилмаслигини кўз олдига келтириш;

г) омонимларнинг хусусиятларини пухта билиш, уларни билмаслик аниқликнинг бузилишига олиб келади;

д) тор муҳитда ишлатиладиган, четдан кирган, архаик сўзларнинг маъноларини яхши англаган ҳолда нутққа киритиш.

Ўқитувчи нутқнинг аудиторияга мослиги унинг энг асосий сифат кўрсаткичи эканлигини доимо назарда тутиш тақозо этилади.

Ўқитувчининг ўз нутқига муносабати ҳам муҳим касбий фазилат саналади. Бундай ҳолат ўқитувчи ва тингловчи ўртасида нутқий алоқанинг мукамаллаштишига самарали хизмат қилади.

Гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни амалда эгаллайдилар. Таълим жараёнининг ташкил қилиниши бевосита дарс мақсади билан боғлиқ.

Чет тилини ўрганишдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларда хорижий тил ва мавзуга нисбатан ички мотивация ҳосил қилгани ҳолда уларни ўқув жараёнида фаоллаштириш, улар хотирасининг ички резервлари, қобилиятлари, қизиқишлари каби шахсий хусусиятларидан ўқиб-ўрганишга нисбатан мотивация ҳосил қилишда фойдаланиш назарда тутилади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда мустақил равишда ижодий фикрлаш, ўрганилган назарий билимларни амалиётда қўллай билиш билан боғлиқ кўника ва малакаларни шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

Демак, шуни таъкидлаш керакки, келажагамиз бўлган ёшларнинг эркин фикрловчи, баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун уларни ҳар томонлама риво

жлантириш зарур.

Жумладан, хорижий тилларни ўрганиш даражалари мазкур мақсадни амалга оширишда ўқувчиларнинг психологик, жисмоний ва ижтимоий жиҳатларини ўр-

ганиб, ўзларини эркин тутиши ва фикрини мустақил ифодалашда тусик бўладиган салбий психологик ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишда қўлланилиши лозим.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПК-1875-сонли қарори. /«Халқ сўзи», 11.12.2012, 240 (5660)-сон.
2. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. -Т.:«Фан» Изд.во АН Республики Узбекистан, 2000.
3. Жалолов Ж «Чет тили ўқитиш методикаси».–Тошкент: 1996.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бола нутқининг дарс жараёнида ривожланиши ва уларга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, нутқ ривожланишида она тилининг ўрни ва роли ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о различных факторах, влияющих на развитие речи учащихся, а также месте и роли родного языка в этом процессе.

SUMMARY

The article deals with different factors influencing on speech development of learners and also the role and place of mother tongue in this process.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ СПОСОБЫ ЭКЗИСТЕНЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ

Ю.Д.Гакаме – кандидат педагогических наук

Кубанский государственный университет, Россия, г. Краснодар

М.Б.Ажиева - кандидат педагогических наук, доцент

Нугусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Таянч сўзлар: экзистенциал ривожланиш, рефлексив усуллар, дискуссион усуллар, театрал педагогик усуллар.

Ключевые слова: экзистенциальное развитие, рефлексивные методы, дискуссионные методы, методы театральной педагогики.

Key words: existential development, reflective methods, discussion methods, methods of theatrical pedagogy.

Социально-политические изменения, происходящие в обществе, оказывают определённое влияние на процесс становления личности. В условиях динамичного, быстро меняющегося мира активно развивается «синдром диссонанса современника, который перманентно не успевает за бегущим днём, находится не в ладу со временем и с самим собой...» [1]. Данная нестабильность подкрепляется различными теориями получения быстрого успеха, продвижением потребительских ценностей, что ещё больше смещает с точки опоры развивающуюся личность, подводя её к рубежу ценностно-смыслового дефицита. Успешная социализация обучающихся в социокультурной среде современного мира является одной из важнейших задач начального образования.

Формирование человека, умеющего оптимально использовать имеющиеся ресурсы для организации своей жизнедеятельности, готового к реализации себя в социально-значимой деятельности отражает основную идею экзистенциального подхода к воспитанию. Определяя понятие «экзистенциальное развитие»,

А.А.Хоменко рассматривает его как «процесс обретения человеком своей самости, процесс само-строительства себя», выделяет такие составляющие как

- знание и понимание себя;
- осознание своей уникальности,
- принятие себя и обретение смысла своего существования.

Экзистенциально выстраиваемое образование согласно Ю.В. Аннушкину, характеризуется такими базовыми ценностями, как «необходимость и право выбора ребенком собственной жизненной позиции, точки зрения на происходящее, аутентичного способа самопрезентации»; уникальность собственного жизненного пути; личностная нравственная позиция, основанная на ассимиляции «свободы», «ответственности» и «выбора» [6].

М.И. Рожков, выделяет ряд принципов, определяющих содержание и организацию образовательного процесса в контексте экзистенциального подхода[4]. На рисунке 1 представлена их содержательная характеристика.

Принципы экзистенциальной педагогики	Содержание требований	Условия реализации в педагогической практике
Принцип стимулирования саморазвития человека	Формирование мотивов самообразования и самовоспитания, развитие осознанности, самосовершенствования человека, его самопознания и определение своих потенциалов, траектории личностного развития	Обучение учеников способам самопознания, рефлексии и планирования
Принцип нравственного саморегулирования	Осуществление нравственного анализа происходящих событий на основе сформированных норм поведения	Знакомство детей с нормами общечеловеческой морали, обучение их нравственному поведению, стимулирование нравственной самооценки
Принцип преодоления психологических барьеров	Создание условий, способствующих преодолению внешних и внутренних препятствий на пути проявления жизнедеятельности субъекта и его активности	Педагогическая поддержка в мобилизации ресурсов обучающихся для проявления активности в достижении своих целей
Принцип актуализации ситуаций	Определение ситуационной доминанты событий, представляющей актуализированное внутреннее состояние человека, определяющее значимые акценты в содержании данного события, эмоциональную оценку	Педагогическое сопровождение воспитанника при анализе событий
Принцип социального закаливания	Включение учеников в ситуации, требующие волевого усилия для преодоления негативного воздействия социума, формирование стрессоустойчивости и рефлексивной позиции	Стимулирование самопознания в различных социальных ситуациях; оказание помощи детям в анализе проблем социальных отношений и вариативном проектировании своего поведения в сложных жизненных ситуациях.

Рис.1 – Принципы экзистенциальной педагогики